

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИКУЛОВА ГУЛАНДОМ ЗИКРИЯЕВНА

БИРИКТИРУВЧИ ТҮҚИМА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШМАГАН
ДИСПЛАЗИЯСИДА ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИННИГ
ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШИГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шодикулова Гуландом Зикрияевна

Бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган
дисплазиясида эндотелий дисфункциясининг ташхиси
ва даволашига янгича ёндашиш..... 3

Шодикулова Гуландом Зикрияевна

Новый подход к диагностике и лечению дисфункции
эндотелия при недифференцированной дисплазии
соединительной ткани..... 29

Shodikulova Gulandom

A new approach to the diagnosis and treatment of endothelial
dysfunction in undifferentiated connective tissue dysplasia55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИКУЛОВА ГУЛАНДОМ ЗИКРИЯЕВНА

БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШМАГАН
ДИСПЛАЗИЯСИДА ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ
ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШИГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib4-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tma.uz хамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аляви Анис Лютфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Цурко Владимир Викторович (Россия)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамраев Аброр Асрорович
тиббиёт фанлари доктори

Каюмов Улувбек Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Leading international vision hospital» клиникаси, (Туркия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» да тарқатилди.
(2017 йил «___» даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Б. Х. Шагазатова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л. Т. Даминова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда юрак қон-томир тизими (ЮҚТТ) патологиялари орасида митрал клапан пролапси (МКП) касаллиги кун сайн ортиб бормоқда. Ёшлар орасида бу касаллик касб танлашда чекланишларга ва ҳарбий хизматга яроқсизликка сабаб бўлмоқда. Ўз вақтида даволанмаган касалликнинг асоратлари ишемик инсульт 2–5%, транзитор ишемик хуружлар 20%, тўсатдан ўлим кузатилиш даражаси 0,2% ни ташкил этади. Бирламчи МКП бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазиясининг (БТДД) клиник қўринишларидан бири ҳисобланиб, унинг улуши 20%ни ташкил қилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолига тибий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг самарали моделини татбиқ этиш ҳамда тиббиётнинг замонавий ташхис усулларидан кенг қамровли тартибда фойдаланиш натижасида болалар ва ўсмирларда бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазиясини эрта аниқлаш, ўз вақтида даво муолажаларининг кўлланилиши беморлар орасида жисмоний иш қобилиятини тиклаш, юрак қон-томир тизимидағи бузилишларни бартараф этиш ва касаллик асоратларининг олдини олишни таъминлайди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, туғма нуқсони бўлган болалар сони 1,3 марта, болалар ўлими эса 3,1 марта камайди¹.

Жаҳон миқёсида ёшлар орасида бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазиясини эрта ташхислаш, даволашга қаратилган профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, ўсмирлар ва ёш беморларда диспластик ўзгаришларнинг шаклланиши ва кечишига алоҳида аҳамият қаратишни асослаш; эрта ташхислашнинг такомиллаштириш тизимини яратиш, юрак ритми ва гемодинамикаси бузилишларининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда коллаген тузилиши ва эндотелий функционал ҳолатидаги бузилишларини асослаш, касаллик оқибатида келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олиш механизми, патогенетик асосланган даволаш усулларини ишлаб чиқиш, касалликни нотўғри ташхислаш ва унинг оқибатида юзага келадиган ногиронликнинг олдини олишга қартилган алгоритм яратиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон Қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилинишини чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йилги ҳисоботи

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи² бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси митрал клапан пролапси этиопатогенезини аниқлаш, унинг аҳоли орасида учраши, келиб чиқиш механизмлари, даволаш самарадорлигини оширишга бағишиланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Erasmus MC-Sophia Children’s Hospital (Нидерландия), St.Francis Hospital and Medical Center (АҚШ), Malmo University Hospital (Швеция), Asan Medical Center (Корея), University of Maine (Германия), Омск давлат тиббиёт университети (Россия) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазиясини эрта ташхислаш, келиб чикиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар бўйича қатор, жумладан қўйидаги илмий натижалар олинган: касаллик ривожланишида генетик омиллар аниқланган (Asan Medical Center, (Корея)); БТДДнинг ташхислаш мезонлари, клиник белгилари, патологиянинг кечиш хусусиятлари аниқланган (Erasmus MC-Sophia Children’s Hospital, (Нидерландия)); Омск давлат тиббиёт университети, (Россия)); летал оқибатларга олиб келадиган асоратлар ва уларнинг асосий даволаш мезонлари ишлаб чиқилган (University of Maine, (Германия)), коллаген ва эластин тузилиши, уларнинг синтези учун жавобгар генлар ҳақида маълумотлар асосланган (St.Francis Hospital and Medical Center, (АҚШ); Malmo University Hospital (Швеция)); бириктирувчи тўқима туғма заифлиги бўлган шахсларда даволаш усули самарадорлигини баҳолашда томир эндотелий ўсиш омили (VEGF) ва матриксли металлопротеиназаларнинг (ММР) қондаги миқдори ва касалликнинг ташхислаш маркерлари аниқланган (Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазиясида эндотелий дисфункциясининг ташхиси ва даволашнинг самарали алгоритмларини яратиш бўйича қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, дифференциаллашмаган дисплазиясининг ташхислаш белгиларини аниқлаш; митрал клапан пролапсини даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш; турли ихтисосликдаги шифокорларнинг ҳамкорликда ишлаши кетма-кетлиги дастури ва даволаш-ташхислаш алгоритмини такомиллаштириш; бириктирувчи тўқима туғма заифлиги бўлган шахсларда томир эндотелий ўсиш омили (VEGF) ва матриксли металлопротеиназалар (ММР) миқдорини

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.erasmusmc.nl; www.mah.se; www.saintfranciscare.org; www.amc.seoul.kr; www.maine.edu; www.dissercat.com; www.omsk-osma.ru; www.sammi.uz. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган

аниқлаш, ҳамда магний ва L-арги-нин дори воситалари билан самарали даволаш усулларини такомил-лаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда дунё миқёсида, айниқса, ёшлар орасида бириктирувчи тўқима заифлигини кенг тарқалганлиги қузатилмоқда. Адабиётлар таҳлилиниң қўрсатишича, тадқиқотчилар томонидан бириктирувчи тўқиманинг тарқалган характерда шикастланиши, ўз навбатида юрак қон-томирлар тизимини (ЮҚТТ) патологик жараёнга жалб қилиниши, касалликнинг кечиши ва унинг оқибатига салбий таъсир қилиши аниқланган. Тадқиқотлар натижаларига кўра дисплазияда бириктирувчи тўқиманинг тизимли характерда заарланиши субэндотелиал экстрацеллюляр матрикс (ЭЦМ) нинг яққол ифодаланган структурали ва функционал заифлиги, бу эндотелий дисфункцияси шаклланишига сабаб бўлиши мумкинлиги асосланган ҳамда эндотелий структураси ва функциясининг бузилиши юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) патогенезида муҳим аҳамиятга эгалиги исботланган (Malfait F., Hakim A. G. et al. 2006; Bailey S., 2007; Дедова В. О., 2011).

Эркин-радикал оксидланиш жараёнларининг фаоллашуви натижасида гликози-рланиш ва протеолиз реакцияларининг охирги маҳсулотлари таъсирида юрак қон-томирлар касалликлари бор беморларда эндотелиал омил секрецияси мувозанатининг бузилиши ва бу омиллардан бири томир эндотелий ўсиш фактори (VEGF) эканлиги аниқланган. Бу гуруҳ факторлар эндотелий пролиферацияси ва ангиогенезга босувчи таъсир кўрсатиб, гемостаз, юрак қон-томир тизимининг физиологик ўсишида муҳим ўрин тутиши исботланган (Harmey J. H., Banchier-Hayes D. J., 2005; Гладких Н. Н., 2012). VEGFR-2 нинг муҳим активатори бўлиб, эндотелийнинг асосий вазоконстриктор пептиди-эндотелин-1 (ЭТ-1) эканлиги ва у артериал гипертензия ривожланишида эндотелий шикастланишининг муҳим маркери бўлганлиги, бу ҳолат, яъни эндотелий дисфункцияси стабил зўриқиши стенокардияси мавжуд беморларда ҳамда бошқа юрак қон-томирлар касалликларида қузатилиши белгилаб берилган (Malemud C. J. 2006; Титов В. Н., 2009). Коллаген метаболизми бузилишини коррекция қилишга қаратилган бир қатор даволар ушбу патологияда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгалиги, жумладан магний сақловчи препаратларни қўллашнинг ўн беш йиллик тажрибаси илмий асослаб берилган (Kitliewski M., Stepniewski M., 2004; Westerhausen M., 2008; Мартынов И. А., 2015).

Ўзбекистонда бундай беморларни диспансер назоратига олиш, эрта ташхислаш bemорларни самарали даволаш усулларининг етарли эмаслиги, касалликнинг оқибатида юракда патологик жараёнларнинг ривожланиши, турли ихтисосликдаги шифокорларнинг даволаш-ташхислаш тактикасида ўзига хос қаршиликлар юзага келишига сабаб бўлмокда ва юқорида кўрсатилган омилларни бартараф қилиш ва касалликни самарали ташхислаш ва даволаш тизимига янгича ёндашиш ушбу тадқиқотни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим мусассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт инсти-тутининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактик усулларини ишлаб чиқиши» (2009-2014) мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси фонида кечувчи митрал клапан пролапси билан касалланган беморларда эндотелий дисфункциясини ташхислаш, даволаш ва асоратларнинг олдини олиш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

БТДД билан касалланган беморларда митрал регургитация даражаси ва митрал клапан клапанси пролапсига боғлиқ ҳолда клиник-функционал ва гемодинамик бузилишларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

қондаги азот оксиди фаоллиги ва қон-томир эндотелий ўсиш фактори ҳолатини баҳолаб, БТДД нинг ривожланишида қон-томир эндотелийси реактивлик ҳолатига боғлиқлигини асослаш;

матрикс металлопротеиназ 2 ва 9 ҳамда унинг тўқима ингибиторлари, гликозамингликанлар миқдори ва гиалуринидаза фаоллиги орасида қондаги магний кўрсаткичига боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил ўтказиш ва уларнинг БТДД патогенезидаги ўрнини аниқлаш;

митрал регургитация турли даражалари кузатилган беморларда магний ионларини юрак функцияси ва ритмига таъсирини ҳамда уларнинг қондаги VEGF даражаси ва NO тизими кўрсаткичлари билан алоқадорлигини баҳолаш;

БТДД сида митрал клапан пролапси мавжуд беморларда аниқланган қонуниятлар ёрдамида эндотелий дисфункциясини даволаш ва олдини олиш алгоритмини ишлаб чиқиши;

мукаммал клиник патогенетик тадқиқотлар асосида касалликни прогнозлаш ва ташхислашда VEGF, қондаги магний миқдорини баҳолаш билан биргаликда матрикс металлопротеиназ ва NO тизимининг фаоллигини аниқлаш орқали БТДД билан оғриган беморларда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш учун магний препаратлари ва L-аргининни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси клиник шифохонаси ва Самарқанд вилоят ўсмиirlар ва талабалар диспансерида рўйхатга олинган МКП (түфма) этиологик белгилари мавжуд 15 дан 28 ёшгача ($20,13\pm0,66$) бўлган 208 нафар беморлар (97 нафар эркак ва 111 нафар аёл), назорат гуруҳида 20 нафар амалий соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг комплекс клиник ва инструментал ЭКГ, ЭхоКГ, УТТ текширув натижалари ва қон зардобини (беморлар ва нисбатан соғлом кишилар вена қони) таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотни бажаришда умумклиниқ, биохимёвий, иммунофермент, спектрофлуориметрик, клиник-функционал, инструментал ва статистик таҳлиллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

МКП авж олишида БТДД нинг патофизиологик роли, шу билан биргаликда юрак ритми ва ўтказувчанинг бузилиши, юрак ичи гемодинамикасидаги ўзгаришлар, шунингдек, митрал клапан регургитация ва БТДД нинг ички ва ташқи фенлари намоён бўлиш даражалари орасидаги боғлиқлик аниқланган;

бириқтирувчи тўқима дисплазияси асосида ётадиган молекуляр механизмлар – магний ионларининг концентрацияси, коллаген алмашинуви, матриксли металлопротеиназа ва уларнинг ингибиторлари фаоллигининг бузилиши исботланган;

БТДД сида МКП билан оғриган беморларда юрак гемодинамикаси ва кардиомиоцитлар фаолияти бузилишида эндотелий дисфункциясининг асосий роли борлиги аниқланиб, проангиоген ва антиангиоген омиллар дисбаланси кўрсаткичлари юрак функцияси ва гемодинамикасининг бузилиш даражаларига мувофиқлиги белгилаб берилган;

илк бор эндотелий дисфункцияси ва коллаген алмашинувининг бузилишини коррекция қилиш учун таркибида магний сақловчи препаратлар ва L-аргининни биргаликда қўллаш орқали даволаш-профилактика ишлари самарадорлиги аниқланиб, юрак гемодинамикаси, юрак ритми ва ўтказувчанилиги кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳамда касаллик клиник белгиларининг камайиши кузатилган;

БТДД да МКП ни аниқлаш мақсадида ташхислаш алгоритми ҳамда магний ионлари миқдори, ангиогенез ҳолати ва эндотелий дисфункция даражасига боғлиқ ҳолда даволаш, олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

бириқтирувчи тўқима дисплазияси ташқи фени мавжуд беморлар қонида магний ионлари миқдори, матрикс металлопротеиназлар фаоллиги ва бириқтирувчи тўқиманинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган моддаларни текшириш тавсия этилган;

БТДД фонида кечувчи МКП клиник кечишини баҳолаш учун синчковлик билан клиник кўрик ўтказиш, анамнез йиғиш, юрак ритми кўрсаткичларини текшириш ва томир эндотелийси рефаоллигини аниқлаш зарурати асосланган;

БТДД сида МКП билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш режасини тузиш учун эндотелий дисфункцияси ҳамда ангиогенез кўрсаткичларини текширишни ўз ичига оладиган мукаммал алгоритм ишлаб чиқилган;

МКП билан оғриган беморларда магнерот ва тивортин препаратларини 6 ой давомийликда қўллаш келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг камайишига, беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда иш қобилиятининг яхшиланишига таъсир этиши, тавсия этилаётган даво алгоритмининг юқори самарадорлиги исботланган;

БТДД да МКП билан оғриган беморларда миокард ва эндотелий функционал ҳолатини баҳоловчи комплекс дастур ишлаб чиқилган;

ўсмирлар ва ёшларда МКПсини эрта аниқлаш, диспансер назоратига олиш касалликни даволаш ва асоратларининг олдини олишга кўмак бериши аниқланган, шунингдек, БТДД сида МКП билан оғриган беморларни динамик кузатиш схемаси таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, лаборатор ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилган. Бириктирувчи тўқима дифферциаллашмаган дисплазия фонида кечувчи бирламчи митрал клапан пролапси бор беморларнинг энг аҳамиятли ташқи фенотопик кўринишлар ва ўзига хос кечишини баҳолашда хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар заминида БТДД билан оғриган беморларда юрак қон-томир касалликлари авж олишида магний алмашуви, ангиогенез жараёни бузилиши ва эндотелий дисфункциясининг муҳим аҳамиятга эгалиги асосланган, шунингдек, беморларда комплекс даво муолажалари таркибига магнерот ва тивортин препараторларини қўшишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти БТДД да МКП билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш режасини тузиб олиш учун ишлаб чиқилган оптимал ташхислаш алгоритмини қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда уларни БТДД да ангиогенез жараёни бузилиши ва эндотелий дисфункциясини эътиборга олган ҳолда беморларни даволашда амалиётга татбиқ этиш даволаш самарадорлигини ошириши, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтириши, беморларнинг ҳаёт сифати ва иш қобилиятини яхшилаши тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Бириктирувчи тўқима дифференциялашмаган дисплазиясида митрал клапан пролапсини ташхислаш, эндотелий ҳолатини баҳолаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бириктирувчи тўқима дифференциялашмаган дисплазиясида митрал клапан пролапсини эрта аниқлашнинг самарали даволаш усулини татбиқ этиш мақсадида олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Бириктирувчи тўқима дифференциялашмаган дисплазияси: клиникаси, диагностикаси ва асоратлар профилактикаси» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 мартағи 8Н-д\20-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли орасида бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси фонида кечувчи митрал клапан пролапси билан касалланган беморларни эрта ташхислаш ва касаллик асоратларини олдини олиш чора- тадбирларини амалага оширишга имкон берган;

аҳолини 15–28 ёшли контингенти орасида касалликни эрта аниқлаш ва даволаш, асоратларнинг олдини олиш ишлаб чиқилган алгоритмлари Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси болалар ва терапия бўлимларида, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси клиник шифохонаси терапия бўлимларида, Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 мартағи 8Н-д\20-сонли ва 2015 йил 3 декабрдаги 8Н-з\22-сонли маълумотномалари). Ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритмлари асосида ўтказилган комплекс даво муолажалари даволаш самарадорлигини 30,1% га оширган ва шифохонада даволаниш муддатини ўртacha 1,4 ўрин кунига қисқарганлиги билан ижобий терапевтик самарага эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та макола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарбилиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси таснифи, ташхислаш ва даволаш» деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. БТДДнинг клиник-патогенетик аспектлари, таснифи ва диагностикаси бўйича замонавий маълумотлар келтирилган, тутғма митрал қопкок пролапси мавжуд шахсларда эндолетий дисфункцияси аҳамияти, БТДД давоси ва профилактикаси тақдим этилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиётлар таҳлили асосида жиддий ёндашувни талаб қилувчи бир қатор масалалар аниқланган, ишнинг долзарбилиги ва танланган мавзуу ўрганилишининг зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг «Бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси билан беморларни тадқиқотга қўшиш мезонлари ва

текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида ўтказилган беморлардаги клиник тадқиқотлар ва қўлланилган усуллар баён қилинган. Тадқиқотда клиник текширувлар учун 2009–2014 йилларда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд вилоят ўсмирлар поликлиникасида стационар ва амбулатор шароитда даволанган 15 дан 28 ($20,13\pm0,66$) ёшгача бўлган бирламчи МКПнинг белгилари мавжуд 208 нафар беморлар (97 нафар эркак, 111 нафар аёл), шунингдек, 20 нафар нисбатан соғлом кишилар танлаб олинган. Текширилаётган беморларнинг ёши ва жинсига кўра тақсимланиши шуни кўрсатдики, эркак ва аёлларнинг текшириш гуруҳларида касалликнинг учраши деярли бир хил. Касалланиш кўрсатикичи, асосан, 19–22 ёшдаги кишиларда юқори бўлиб чиқди (51,2%). Аёлларда МКП билан касалланиш кўрсаткичи 18 ёшгача бўлган ва 19–22 ёшдаги беморларда деярли бир хил (20% атрофида), эркакларда эса 19–22 ёшдаги беморларда ушбу кўрсаткичининг анча юқори эканлиги (30,9%) аниқланди.

МКП ташхиси Ю.М.Белозерова тавсияларига биноан клиник-лаборатор ва инструментал текширувларга асосланиб қўйилди. Саралаш мезонлари бўлиб, шикоятлар, қондаги магний миқдори, электрокардио-графиядаги ўзгаришлар ва эхокардиографиядаги (ЭхоКГ) натижалар қабул қилинди. Митрал клапан миксоматоз дегенерациясининг ЭхоКГ таснифи Г. И. Сторожков тавсиялари бўйича ўтказилди. Текширилувчи гуруҳга иккиласми митрал клапан пролапси ҳамда юрак-қон томир тизимининг бошқа касалликлари, сурункали жигар, буйрак, ўпка патологиялари бўлган беморлар киритилмади.

Юқорида кўрсатилган таснифга мувофиқ текширилаётган беморлар МКПсининг намоён бўлиш даражасига кўра 2 гуруҳга бўлинди: 1-гурух–МКП си I даражали регургитация кузатилган 97 нафар бемор (38 нафар эркак ва 59 нафар аёл), 2-гурух– МКП си II даражали 111 нафар бемор (58 нафар эркак ва 53 нафар аёл). Бундан ташқари ҳар бир гуруҳ яна учта майда гуруҳларга бўлинди: «А» гуруҳини МКП си бўлган (1-даражада 22 нафар, 2-даражада 23 нафар), 6 ой давомида кунлик 3грамм миқдорда «Вервагфарма» фирмасининг «Магнерот» препарати билан даволанган 45 нафар бемор ташкил қилди. «В» гуруҳини МКП си бўлган (1-даражада 20 нафар, 2-даражада 21 нафар), 6 ой давомида даво ва профилактика мақсадида «Магнерот» + «Тивортин» (Украина) препаратлари кунлик миқдори 4,2 г. 100 мл. физиологик эритмага эритилиб, 7–10 кун мобайнида вена ичига томчилаб, кейин 2 ой танаффус билан шу тариқа 3 марта тақрорлаш даво муолажаларини қабул қилган 41 нафар бемор ташкил қилди. «С» гуруҳини МКП си бўлган (1-даражада 55 нафар, 2-даражада 67 нафар), даво муолажалари қабул қилмаган 122 нафар бемор ташкил қилди.

Динамикада текширувлар касалхонага ётқизилган пайтда, даво муолажалари бошлангандан 3 ой ва 6 ой ўтгандан кейин ўтказилди. Даволаш самарадорлигини баҳолашда 3 ойдан сўнг клиник белгилар орқали 6 ойдан сўнг клиник-лаборатор ва асбоб-ускуна текширувлари натижаларига асосланилди. Бундай усулни танлаш ўтказилаётган давонинг узоқ вакт

кўлланилиши билан боғлиқ. ЭКГ умумқабул қилинган усул бўйича «Гиолик ЭКЗТ 12-01» (Россия) аппаратида ўтказилди.

Марказий гемодинамика кўрсаткичлари ЭхоКГ «Aloka» аппарати ёрдамида баҳоланди. Юрак чап бўлмачасининг олд орқа ўлчами (ЧБ, см.); чап қоринчанинг охирги диастолик ўлчами (ОДЎ, см.); чап қоринчанинг охирги систолик ўлчами (ОСЎ, см.); чап қоринчанинг қонни ҳайдаш кучи (ЧҚҲК,%); ўнг қоринчанинг олд орқа ўлчами (ЎҚ, см.); қон айланишининг минутлик ҳажми (л/мин.); митрал тешик майдони (трансмитрал қон оқими спектри бўйича допплер усулида ўлчанди, см); ўпка артериясидаги систолик босим (ЎАСБ, мм.с.у.); пастки ковак вена диаметрининг ўзгаришига қараб ўнг бўлмачадаги босим аниқланди. Эндотелиал фаолият 5,5–7,5 МГц.ли чизиқли датчики Sequoia 512 («Acusision», АҚШ) ультратовуш аппарати ёрдамида аниқланган эндотелийга боғлиқ томир диллятацияси (ЭБТД) маълумотлари бўйича баҳоланди. ЭБТД кўрсаткичлари елка артериясининг диаметри (ЕАД), елка артериясидаги қон оқимининг максимал тезлиги (ЕАҚОМТ) ҳамда реактивлик индекси ёрдамида аниқланди.


Биокимёвий текширувлар Тошкент тиббиёт академияси марказий илмий-тадқиқот ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси клиник таҳлилхоналарида ўтказилди. Барча текширилувчиларда қуидаги кўрсаткичлар аниқланди: Mg^{+2} ионлари миқдори (ммоль/л.), NO концентрацияси (мкмоль/л.), эндотелиал NO-синтаза фаоллиги (eNOS) ва индуци бил NO-синтаза (iNOS), пероксинитрит миқдори (ONO_2^-), СОД ферменти фаоллиги, каталаза ферменти фаоллиги, эндотелин-1 (ЭТ-1), томир эндотелийси ўсиш омили ва унинг рецепторларини (VEGF ва VEGF-R1 (3Fl+1) VEGFR2 (SKDR), матриксли металлопротеиназа ва унинг ингибиторлари MMP-2, MMP-9, TIMP-1 ва TIMP-2 фаоллиги, миқдорий гликозамингликанлар ва оксипролин, гиалуринидаза фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютеридаги Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов беришдан фойдаланилган ҳолда статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси билан оғриган беморларда клиник ва функционал бузилишларнинг ўзига хослиги» деб номланган учинчи бобида БТДД клиник белгилари, юрак фаолиятининг ўзгариши ва беморлар ирсиятини ўрганишга бағишлиланган. Текширилган беморларда сүяк-скелет ташқи фенларининг кузатилиш даражаси қуидагича: умуртқа поғонаси деформацияси 1-гуруҳда 44,3%, 2-гуруҳда 43,6% ни ташкил қиласи ҳамда сколиоз, кифосколиоз 1-, 2-даражали шаклланиши билан намоён бўлади. Кўкрак қафаси деформациясининг кузатилиши 1-гуруҳда 51,5% ни, 2-гуруҳда 36,1% ни ташкил қиласи. У асосан 1-, 2-даражали воронкасимон, астеник ва понасимон шаклдаги деформациялар кўринишида намоён бўлди. БТДД ва МКП мавжуд беморларда терининг заарланиши турли даражада ифодаланган тери чўзилувчанлиги ошганлигига намоён бўлиб, 1-гуруҳда 38,1% ва 2-гуруҳда 38,7 %ни ташкил қиласи. 1-гуруҳдаги беморларда тери чўзилувчанлигининг ошиши 1-даражаси 16,5%, 2-даражаси 11,4 %ида

кузатилган бўлса, 2-гурухдагиларда эса 1-даражаси 24,3%, 2-даражаси 19,8% ва 3- даражаси 5,4 %ида аниқланди. Мушаклар гипотонияси 1- ва 2-гурухларда 21,6 ва 28,8% мос равишда аниқланди.

БТДДнинг бўғим белгилари бўлиб яссиоёқлик ва бўғимлар гипермобиллиги ҳисобланади. Яссиоёқликнинг (кўндаланг ва бўйлама) кузатилиши 1- ва 2-гурухларда 20,6 ва 19,8 %ни ташкил қилди (1а расм). Текширилган bemорларнинг барчасида турли даражадаги гипермобиллик аниқланди (1б расм).



1-расм. БТДД ва МКП билан касалланган bemорларда 1а-яссиоёқлик ва 1б-бўғимлар гипермобиллигининг учраши.

1-гурухдаги беморларда 1-, 2-, 3- ва 4-даражали гипермобиллик 57,7; 17,5; 18,6 ва 6,2 %, 2-гурухдаги беморларда эса 42,3; 25,2; 21,6 ва 10,8% мослиқда қузатилди. БТДД билан касалланган беморларда ташқи фенлардан яна бири ривожланишнинг кичик аномалиялари бўлиб, катта қулоқлар ва қулоқ юмшоғининг ёпишиб қолиши ҳисобланади. Ушбу белгилар 1-гурухдаги беморларнинг 20,6 ва 16,5% ида, 2-гурухдагиларнинг 21,6 ва 16,2% ида аниқланди.

Беморларда турли фенларнинг қўшилиб келиш даражаси турли кўрсаткичларда аниқланди: 1- ва 2-гурухларда 6 та ташқи феннинг қўшилиб келиш частотаси 3,1 ва 4,5% мослиқда, 5 та феннинг қўшилиб келиши – 5,1 ва 10%, 4 таси – 28,9 ва 20%, 3 таси – 27,8 ва 24,3%, 2 таси – 25,8 ва 30,6% текширилувчиларда, 9,3 ва 10% беморларда эса бор йўғи битта ташқи фен аниқланди.

БТДД – прогредиент кечувчи полиорган ва полисистем жараён бўлиб, асосида бириқтирувчи тўқиманинг синтези ёки катаболизмидаги генетик дефект ётади ҳамда ички фенлар ҳисобланадиган турли орган ва тизимларни патологик жараёнга жалб қилиши билан характерланади. Кўпинча бундай ўзгаришлар кўрув аъзолари, юрак-қон томир, нафас олиш тизими, қорин бўшлиғи аъзолари, буйрак ва нерв тизимларида қузатилади. БТДД ва МКП мавжуд беморларда ички фенларни таҳлил қилганда кўрув аъзоларидаги ўзгаришлардан турли даражадаги миопия 1- ва 2- гурухдаги беморлардан 26,8% ва 23,4% ида; астигматизм, анизометропия ва тўр парда дегенерацияси 2-гурухдаги беморларнинг 25,8 % аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, кўрув аъзоларининг заарланиш даражаси МКП 2-даражаси билан оғриган беморларда анча юқори бўлиб, асосий касалликнинг оғир кечишидан дарак беради. Бунинг тасдиғи ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги бўлиб, 1- ва 2-гурухларда сурункали бронхит 6,2 ва 10%, пиелонефрит 6,2 ва 7,2%, иккала буйракларнинг 1- ва 2-даражали нефроптози 6,2 ва 11,7%, ўт йўллари дискинезияси 18,5 ва 22,5%, вегето-томир дистонияси 49,5 ва 62,2% мослиқда қузатилади. Бундан ташқари, шуни қайд этиш жоизки, 2-гурухда гастродуоденал патологиялар (5,4%), жигар патологиялари (1,8%), умуртқа поғонаси бел қисми остеохондрози (1,8%), анемия (7,2%), ревматоид артрит (1,8%) ва бошқалар ҳам қузатилади.

Субектив текширишлар пайтида беморлар умумий характерда ҳолсизлик, тез ҷарчаш, иш қобилиятининг пасайиши, хотира сусайиши, диққатнинг пасайиши, бош айланиши, хушдан кетиш ҳолатлари, бош оғриши, апатия, уйқунинг бузилиши, жиззакилик ва ваҳима босиш белгиларидан шикоят қиласи. Юқоридаги шикоятлар психоэмоционал ва жисмоний зўриқишилар пайтида кучайиб, беморнинг ҳаёт сифатига таъсир кўрсатади.

Тадқиқотда беморларни текшириш мобайнида кўпроқ юрак-қон томир тизими учун хос шикоятлар учраши аниқланди: кардиология (34,8–76,4%), юрак соҳасидаги нохуш сезги (22,8–55,1%), юракнинг тез уриши (17,4–52,8%), юракнинг тўхтаб-тўхтаб уриши (14,7–43,8%), бош айланиши, умумий

холсизлик, ортопноэ ҳолати (13–38,2%). Юрак соҳасидаги оғриқлар асосан санчувчи характерда бўлиб, кўпроқ юрак чўққи соҳасида жойлашган. Шуни айтиш жоизки, МКП синдромининг клиник белгилари минимал кўри-нишлардан то етарли даражада ифодаланган белгиларгача ўзгариши мумкин ва у миксоматоз заарланиш даражаси билан боғлиқдир (1-жадвал).

1-жадвал

**МКП билан касалланган беморларнинг регургитация даражасига қўра
клиник симптомларнинг учраши**

| Симптомлар | 1-гурух (n=97) | 2-гурух (n=111) | P |
|--|----------------|-----------------|--------|
| Кардиология | 34 | 35,1 | 80 |
| Юрак соҳасидаги нохуш сезги | 23 | 23,7 | 59 |
| Юракнинг тез уриши | 17 | 17,5 | 55 |
| Юракнинг тўхтаб уриши | 17 | 17,5 | 48 |
| Тана ҳолатини ўзгартирганда бош айланиши | 13 | 13,4 | 41 |
| Ҳансираш | 97 | 100,0 | 111 |
| Енгил | 49 | 50,5 | 37 |
| Ўрта | 48 | 49,5 | 74 |
| Ҳаво етишмаслиги | 97 | 100,0 | 111 |
| Енгил | 79 | 81,4 | 72 |
| Ўрта | 18 | 18,6 | 39 |
| Бош оғриши | 50 | 51,5 | 84 |
| | | | 75,7 |
| | | | <0,001 |
| | | | <0,001 |
| | | | <0,001 |
| | | | <0,001 |
| | | | <0,001 |
| | | | <0,001 |
| | | | <0,05 |
| | | | <0,05 |
| | | | <0,01 |
| | | | <0,01 |
| | | | <0,001 |

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, МКП сининг клиник намоён бўлиши касаллик кечиши ва регургитация даражасига бевосита боғлиқдир.

БТДД билан оғриган беморларда ЭКГ текшируви ҳар доим ҳам юрак ишидаги бузилишларни, жумладан, аритмияларни тасдиқламайди, шунинг учун юрак ритми ва ўтказувчанлигидаги бузилишларини Холтер мониторинги орқали аниқлаш зарур. Тадқиқотлар натижасида қуидаги ўзгаришлар аниқланди. Синус тугун автоматизмининг бузилишлари орасида, кўпроқ симпатик таъсирнинг кучайиши, яъни синус тахикардия кузатилди.

Текширилган беморларда ЮУС катта фарқлар билан ўзгариб турди. 1-гуруҳидаги беморларда минутига 56 дан 96 мартагача, 2-гуруҳида 75 дан 110 мартагача кузатилди. Ушбу кўрсаткичларнинг ўртача миқдори барча гуруҳларга мос равишда минутига $81,78 \pm 0,85$ ва $87,67 \pm 0,65$ мартани ташкил қилди. Беморлар қун давомида, айниқса, жисмоний зўриқишилар вақтида ЮУС тезлашишидан шикоят қилдилар ва бу уларнинг ҳаёт сифатига таъсир кўрсатди. Кўпинча бу ҳолат МКПси 2-даражаси ва митрал регургитация 2-даражасига характерли эканлиги аниқланди. Текширилаётган беморларнинг 2–5%ида даврий равишида R-R интервалнинг ўзгариши билан намоён бўлувчи

синус аритмия аниқланди. Бунда беморлар кечки пайтда пульснинг кучайиши ва юракнинг тўхтаб қолиши ҳисси юзасидан шикоят қилдилар. Синус брадикардия текширилганларнинг 3%ида аниқланди. Шуни таъкидлаш жоизки, беморларнинг кўпчилигига, айниқса, атмосфера ҳавосининг парциал босими ўзгарганда гипотония ҳолати кузатилиб, ҳаво етишмаслиги белгилари билан намоён бўлди. Синус брадикардия ва аритмия кўпинча оқибатли ваготония мавжуд bemорларда кузатилди. МКПси 1-даражаси бор bemорларнинг 4,3% ида синус тахикардия аниқланди. Унинг кузатилиши МКПси 2-даражасида анча кўпайди 20,2% мослиқда аниқланди.

Текширилган bemорларнинг 22%ида ритм бошқарувчиси миграция-сининг бузилиши аниқланди. Уларнинг учраши клапан аппаратидаги патологик ўзгаришларнинг чуқурлашиши билан кўпайиб борди. МКПси ва митрал регургитация мавжуд bemорларда кучли жисмоний зўриқиши вақтида синус ва атриовентрикуляр тугунлар орасида ритм бошқарувчисининг миграцияси кузатилади. Bеморларнинг 12%ида турли шаклдаги экстрасистолиялар аниқланди. БТДСи белгилари яққол ифодаланган bemорларда бўлмача экстрасистолияси жисмоний зўриқиши вақтида 1,5–2 мартаға кучайиши аниқланди. Текширувларимизда қоринча экстасистолиялари МКП 2-даражали регургитацияси ва клапан клапанларининг миксоматоз дегенерацияси мавжуд bemорларда кўпроқ кузатилди ва максимал жисмоний зўриқиши даврларига тўғри келди. Шу билан бир қаторда қоринчалар экстрасистолияси келиб чиқишида вегетатив дисфункциялар, юракнинг кичик ривожланиш аномалиялари ҳамда хужайрада магний миқдорининг камайиши муҳим роль ўйнайди. Кам ҳолларда текширилувчиларда қоринчаларнинг муддатдан олдин қисқариши феномени (3,5%) кузатилди. Бу bemорларда атриовентрикуляр пароксизмал тахикардия кўринишидаги юрак ритмининг пароксизмал бузилишлари аниқланди. Бу, асосан, текширилаётган bemорларда вегетатив дисфункциялар борлиги билан боғлиқдир. Тинч ҳолатда ЭКГ қилинганда ушбу ҳолат камдан кам ҳолларда кузатилди. Шуни таъкидлаш жоизки, текширувлар давомида хуружларнинг учраши 3–6 ойда 1 мартағдан то ҳафтасига 3–4 мартағача кузатилди. ЭКГ маълумотларига кўра 13–15,7% bemорларда қоринча комплексининг охирги қисмининг ўзгарганилиги аниқланди ҳамда бу ҳолат текширувларимизда миокарда метаболик жараёнларнинг бузилиши деб таъкидланди.

Шундай қилиб, МКПнинг клиник намоён бўлиши клапан аппаратидаги бузилиш ва регургитация даражасига боғлиқ. Бу, ўз навбатида, юрак ритми ва ўтказувчанлигининг ўзгариши билан тушунтирилади. Шунинг учун ўсмирлар ва ёшларда МКПни эрта аниқлаш ва ривожланиш механизмларини ўрганиш, уларни ўз вақтида диспансер назоратига олиш, даволаш ва асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради.

МКП билан касалланган bemорларда юрак гемодинамикасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун допплер-ЭхоКГни ўтказиш зарурдир. Шу режадаги текширувлар юрак гемодинамикаси бузилиши билан регургитация даражалари орасида боғлиқлик борлигини кўрсатди. МКПси 1- ва 2-даражалари мавжуд bemорларда ОДў ва ОСЎ кўрсаткичлари анча юқорилиги

аниқланди. Бунда текширилган беморларнинг 23,7–53,7 ва 26,1–58,8%ида ушбу кўрсаткичларнинг ошганлиги кузатилди. ЧҚҲК кўрсаткичини контрол гуруҳ билан солиштирганда пасайганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичнинг пасайишини текширилганларнинг 21,2 ва 74,2%ида кузатдик. ЮУХ кўрсаткичи ошган ҳолда, МКПси 1- ва 2- даражаси билан оғриган беморларнинг 23,7 ва 42,3%ида аниқланди. Чап қоринча орқа девори ва қоринчалараро тўсиқ кўрсаткичлари норманинг юқори даражаси чегарасида сақланди. Ушбу кўрсаткичларнинг нормага нисбатан ошиши 26,1 ва 48,1% беморларда кузатилди. Шуни айтиш керакки, САҚБ ва ДАҚБ кўрсаткичлари ёшга боғлиқ норма чегарасида сақланиб турди. Лекин барча беморларда клапан клапанси пролапси кучайиши билан юрак уриши тезлашуви кузатилди.

Эндотелий дисфункциясининг асосий инструментал диагностик усуллари бу елка – артериясининг оқимга боғлиқ дилатациясини механик таъсиргача ва ундан кейин аниқлаш, бунинг натижасида реактивлик индексини ҳисоблашдир. Ўтказилган текширувлар натижасида назорат гурухда ЕАДининг ортиши $12,6 \pm 0,49\%$ ни ҳамда РИ – $1,51 \pm 0,07$ ни ташкил қилди. Бу жараён реактив гиперемияга жавобан томирлар эндотелийсининг юқори рефаоллигидан дарак беради ва эндотелийда дилатация чақиравчи моддалар ажралиб чиқиши натижасида юзага келади. Бунда СКБ ва ДКБ Ко-ротков усули билан ўлчанганда $108,6 \pm 3,84$ мм.с.у. ва $68,5 \pm 2,84$ мм.с.у.ни ташкил қилди. Юрак уришлари сони шунга мос равишда минутига $84,3 \pm 2,15$ марта бўлди. МКПси I ва II даражалари билан оғриган беморларда ЕАД кўрсаткичлари тестгача норма чегарасида сақланиб туриб, зўриқишдан сўнг регургитация даражасига мос равишда сезиларли даражада пасайиб кетди, ўз навбатида қон оқимининг $1,56$ ($P < 0,01$) ва $1,95$ ($P < 0,001$) мартаға камайишига олиб келди. ЕАҚОМТ кўрсаткичи тест ўтказишдан олдин соғлом кишилардаги кўрсаткичлар чегарасида бўлиб, реактив гиперемиядан сўнг $1,34$ ($P < 0,01$) ва $1,68$ ($P < 0,001$) мартаға пасайиб кетди. Реактивлик индекси ҳам патологик жараённинг оғирлашувига боғлиқ равишда сезиларли даражада $1,34$ ($P < 0,05$) ва $1,63$ ($P < 0,01$) мартаға пасайиб кетди.

Пробандларда ўтказилган теширишлар шуни кўрсатдик, БТДДда МКПси шаклланиши ва оғирлик даражаси ҳамда генетик факторлар орасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Тадқиқот учун танлаб олинган беморларнинг 71 тасида ирсияти сўровнома ёрдамида ўрганилди. Улар орасида 1-гуруҳ беморларда БТДД белгилари 1-, 2- ва 3- авлод қариндошларида учраши 8,5, 13 ва 7%ни, 2-гуруҳ беморларда эса 18,3, 20 ва 15,5% ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «**Бириктирувчи тўқима дифференциаллашмаган дисплазияси мавжуд беморларда клиник-биокимёвий ўзгаришлар**» деб номланган тўртинчи бобида биокимёвий текширув натижалари келтирилган. ЭДнинг характерли жиҳати ваккулогенез, ангиогенез жараёнларининг фаоллашуви ва вазоактив моддалар ҳосил бўлиши оқибатида микроциркуляциянинг бузилиши, гипоксия, реперфузия ҳисобланади. Ушбу жараёнда VEGF мухим ўрин тутади. Шу режада ўтказилган текширувлар, МКПси бор беморларда регургитация даражасига боғлиқ равишда VEGF

миқдорининг ошганлигини кўрсатди ва вакуляризация жараёнларининг фаоллашганини исботлади. Бу беморларнинг қон зардобида рецепторлар концентрациясининг регургитация даражалари ва МКПси 1- ва 2-босқичларига мувофиқ равища: VEGF-R1 1,2 ($P<0,05$) ва 1,59 ($P<0,01$) мартаға, VEGF-R2ни эса 1,08 ва 1,24 ($P<0,05$) мартаға ошганлиги аниқланди.

Ангиогенез жараёни учун керакли шароитлардан бири эндотелий ўтказувчанлигининг ошишидир ва бунда азот оксиди таъсири муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдик, регургитация 1- ва 2-даражалари мавжуд bemорларда азот оксиди стабил метаболитлари 1,12 ($P<0,05$) ва 1,34 ($P<0,05$) мартаға ошиди ва бу eNOS фаоллигининг пасайиши натижасида келиб чиқиши мумкинлиги тушунтирилди. Агар унинг миқдори МКПси ва регургитация 1-даражаси мавжуд bemорларда пасайишга мойил бўлган бўлса, регургитация 2-даражаси кузатилган bemорларда ушбу ўзгаришлар статистик муҳим аҳамият касб этиб, амалда соғлом кишилардаги кўрсаткичларга нисбатан 1,23 ($P<0,05$) мартаға камайиб кетди. NO-синтазанинг яна бир шакли – iNOSнинг фаоллиги МКПси 1-даражали регургитация мавжуд bemорларда 1,2 ($P<0,05$) мартаға, 2-даражали регургитация мавжуд бўлган bemорларда 1,36 ($P<0,01$) мартаға ошганлиги кузатилди. Бу шароитда токсик хусусияти юқори бўлган бирикма – пероксинитратнинг ҳосил бўлиши 1- ва 2- даражали регургитация кузатилган bemорларда мос равища 1,15 ($P<0,05$) ва 1,31 ($P<0,01$) мартаға кўпайди. Бу ўз навбатида ЭТ-1нинг фаоллиги ошишига: клапанлар регургитацияси 1- ва 2-даражаларида $0,671\pm0,027$ ва $0,780\pm0,043$ пг/мл. сабаб бўлди, жумладан, нисбатан соғлом кишиларда бу кўрсаткич $0,611\pm0,031$ пг/мл. га тенг. ЭТ-1 фаолланиши эркин радикал жараёнларнинг инициациясига NO ҳосил бўлишини eNOS иштирокидаги синезига нисбатан 3–5 мартаға кучайтирувчи iNOS фаоллигининг экспрессиясига олиб келди. Пероксинитрит шаклланишининг кучайиши антиоксидланиш фаоллигининг этишмовчилиги фонида кечади.

СОД фаоллиги ва каталаза кўрсаткичларини таҳлил қилганда МКП ва 1-даражали регургитация мавжуд bemорларда уларни етарли даражада $2,518\pm0,284$ УЕ оз/мл. ва $29,27\pm0,90$ мккат/л. ($P<0,01$)га ошгани кузатилди, жумладан, нисбатан соғлом кишиларда бу кўрсаткич $1,997\pm0,161$ УЕ оз/мл. ва $21,90\pm0,67$ мккат/л.ни ташкил қилди. Регургитация 2-даражаси мавжуд bemорларда СОД фаоллигини $1,800\pm0,085$ УЕ оз/мл. гача камайишга мойиллиги кузатилган бир пайтда, каталаза фаоллиги соғлом кишилардаги кўрсаткичлар чегарасида $20,59\pm0,68$ мккат/л.да сақланиб турди ва ўз навбатида компенсатор механизмларнинг сусая бошлашидан дарак беради. Бу пероксинитрит, ЭТ-1 ва VEGFR-2нинг юқори кўрсаткичлари билан мос келиб, ЭД ва вазоконстрикция ривожланишини аниқлаб берди.

Хозирги вақтда шу аниқланганки, MMP тўқима ремоделизациясининг етакчи эфектори бўлиб ҳисобланади. MMP-2 фаоллигини таҳлил қилганда уни 1-гурух bemорларда ошишига мойиллиги, 2-гурухда эса 1,16 ($P<0,05$) мартаға ошганлиги кузатилди. Худди шундай ўзгаришлар MMP-9 фаоллигини таҳлил қилганда ҳам кузатилди, кўрсаткичлар 2-даражали

регургитация мавжуд беморларда нисбатан соғлом кишилардаги күрсаткичларга қараганда 1,13 мартага ошди. Қон зардобидаги TIMP-1 текширилганда 1-даражали регургитация мавжуд беморларда концентрациясининг камайишга мойиллиги ва 2-даражали беморларда эса 1,16 ($P<0,05$) мартагача камайганлиги аниқланди. TIMP-1 ангиогенез жараёнини ингибирилаши ва ЭЦМ ремоделизацияси жараёнида коллаген толаларнинг деградациясида иштирок этувчи фибробластлардаги MMP ишлаб чиқарилишини стимуллашини ҳисобга олган ҳолда уни ингибириланиши ангиогенез жараёнларини тезлаштиради ва хондроцит, кератиноцит, эндотелиал хужайралар, фибробластлар, макрофаглардаги коллаген толалар емирилишининг фаоллиги ошишига олиб келади. Шу билан биргаликда, TIMP-2 1-даражали регургитация мавжуд беморларда концентрациясининг ошишга мойиллиги ва 2-даражали беморларда эса 1,36 ($P<0,01$) мартагача ошганлиги қузатилди. Систем склерозларда унинг миқдори ошишини ҳисобга олган ҳолда қон зардобида TIMP-2 концентрациясининг юқори бўлишини, БТД шаклланишида мойиллик қилувчи омиллардан бири, десак бўлади. Марказий гемодинамика параметрлари, протеиназ синфи ҳисобланган MMP-2, MMP-9 ҳамда тўқима ингибиторлари TIMP-1 ва TIMP-2 орасидаги корреляцион алоқа таҳлил қилинганда касаллик авж олиши билан улар орасидаги алоқа ҳам шунча ошиши аниқланди. 1-даражали регургитация мавжуд беморларда MMP ва TIMPлар орасидаги корреляцион кўрсаткичлар $r=0,63-0,67$, сезгирилик 70,5% ($P<0,01$), спецификалик – 49,4% ($P<0,05$)ни, 2-даражали беморларда эса $r=0,77-0,83$, сезгирилик 53,4% ($P<0,01$), спецификалик – 76,5% ($P<0,001$)ни ташкил қилди.

Юрак клапан аппарати бузилишларнинг муҳим хусусияти бўлиб, бириктирувчи тўқима элементларининг, ЭЦМ, коллаген толалари ва эластин, глюкозаминогликанлар (ГАГ) аморф моддаси ва гиалуронидаза (ГН)нинг структур қайта кўрилиши ҳисобланади. Шунга кўра, биз МКП билан касалланган беморларда регургитация даражасига боғлиқ равишда қон зардобидаги магний, ГАГ ва ГН ҳамда оксипролинлар миқдорини текширдик. Шу режада ўтказилган текширувлар натижасида 1-даражали регургитация мавжуд беморларда магний миқдори камайишга мойиллиги ва 2-даражали беморларда эса яққол камайиши қузатилди. Қонда Mg^{+2} ионларининг камайиши фонида протеолитик ферментлар, жумладан, 2-даражали регургитация мавжуд беморларда гиалуронидаза фаоллигининг ошиши содир бўлади. Бу, ўз навбатида, ЭЦМ маҳсулотлари (ГАГ ва оксипролин)нинг қонга чиқишининг ортиши ва экспрессиясининг кучайиши билан содир бўлувчи ЭЦМ компонентлари емирилишининг тезлашувига олиб келади.

Касаллик патогенезида MMP-2, MMP-9 ва TIMP-1лар миқдорининг ошишини, Mg^{+2} , ГАГ ва гиалуронидаза миқдорлари камайиши билан боғлиқлигини асослаш учун ушбу кўрсаткичлар ўртасида Пирсон корреляцион таҳлили ўтказилди. 1-даражали регургитация мавжуд беморларда назорат гуруҳдаги маълумотлар билан таққослаганды MMP-2 ва MMP-9 кўрсаткичлари ошиши билан TIMP-1, Mg^{+2} ионлари ($r=-0,22-0,28$,

$P>0,05$) кўрсаткичларининг камайиши, ГАГ миқдорининг ва гиалуронидаза фаоллигининг ошиши ($r=+0,24-0,31$, $P>0,05$) орасида аниқ боғлиқлик борлиги кузатилди. Ўз навбатида, 2-даражали регургитация мавжуд bemорларда MMP-2 ва MMP-9 экспрессияси, TIMP-1 фаоллиги кўрсаткичлари ($r=-0,83-0,82$, $P<0,01$), ҳамда Mg^{+2} ионлари кўрсаткичлари пасайиши ($r=-0,69-0,80$, $P<0,02$ и $P<0,01$) билан тескари, ГАГ ($r=-0,80-0,832$, $P<0,01$) ва ГН ($r=-0,77-0,81$, $P<0,01$) кўрсаткичлари билан тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди. TIMP-1 экспрессияси қонда Mg^{+2} ионларининг камайиши ($r=-0,75$, $P<0,01$) билан тўғри ва ГАГ ($r=-0,84$, $P<0,01$) ва гиалуронидаз фаоллиги кўрсаткичлари ($r=-0,86$, $P<0,01$) билан тескари алоқа бўлди.

Шундай қилиб, туғма МКП си бор bemорларда митрал регургитация даражасининг кучайиб боришига сабаб бўлиб MMP, гиалуронидазанинг фаолланиши, ўз навбатида TIMP-1 нинг ингибитор таъсирининг, Mg^{+2} ионлари миқдорининг камайиши ҳисобланади. МКП си мавжуд bemорларда MMP-2 ва MMP-9 ҳамда TIMP-1нинг экспрессияси регургитация даражаси кучайиши билан ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, уларни патологик жараёнининг авж олиши ва касалликни олдиндан айтиб бериш маркерлари сифатида қўллаш мумкин.

Диссертациянинг «БТДси бирламчи МКПси билан касалланган bemорлар фармакологик коррекциясининг патогенетик, терапевтик ва профилактик аспектлари» деб номланган бешинчи бобида МКПга чалинган bemорларни даволаш натижалари келтирилган.

Магний ионлари миқдорининг пасайиши ва ЭДси ривожланишининг патогенетик ролини ҳисобга олган ҳолда МКПси давосида магнерот ва тивортин препаратларини узоқ вақт қўллаш тавсия этилади. Ўтказилган тадқиқотлар БТДси МКПси даволашда тавсия этилаётган давонинг самарадорлигини кўрсатди. «Магнерот»нинг «Тивортин» билан биргаликда қўллашнинг МКП клиник симптомлари регрессига кўрсатаётган ижобий таъсири «Тивортин»нинг антигипоксант, мемранани мустаҳкамловчи, цито-протектор, антиоксидант, антиаритмик ва антигипертензив ҳусусиятлари билан боғлиқ. А гуруҳдаги bemорларда юракнинг қисқарувчанлиги ва ритми кўрсаткичларининг яхшиланганлиги аниқланди. Бу юракнинг қонни ҳайдаш кучи, уриш ҳажми, қон айланиш минутлик ҳажми кўрсаткичларининг ошиши фонида ОДў, ОСЎ кўрсаткичлари, систолик ва диастолик АҚБ, юрак қисқаришлар сонининг камайиши тарзида намоён бўлди. Юқоридаги ўзгаришлар 6 ой давомида даво муолажалари қабул қилингандан сўнг аниқланди.

